

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

30-сон
(894)
2019 йил
29 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;


тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим


525. «Акциз солиғига тортиладиган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 июлдаги ПФ–5771-сон Фармони
526. «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ–4400-сон қарори
527. «Ер қаърини геологик жихатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ–4401-сон қарори

**Учинчи бўлим**


528. «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарори
529. «Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 624-сон қарори
530. «2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 625-сон қарори
531. «Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарори

Бешинчи бўлим

532. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 2 июлдаги 27/1-2019-сон «Тайёрлаш-қолиплаш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2010-2*)
533. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 2 июлдаги 27/2-2019-сон «Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966-2*)
534. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 15 июлдаги 184-сон «Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050-2*)
535. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 16 июлдаги 2019-49-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3077-1*)



Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 20 июлдан 26 июлгача бўлган маълумот



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

525 Акциз солиғига тортиладиган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг:

2019 йил 15 августдан сиқилган газни якуний истеъмолчига реализация қилишда акциз солиғи ставкасини 20 фоизга;

2019 йил 1 октябрдан алкоғолли маҳсулотнинг акциз солиғи ставкасини ўрта ҳисобда 10 фоизга, тамаки маҳсулотининг акциз солиғи ставкасини 20 фоизга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан илгари берилган, спирт ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга оид лицензияларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.


3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга нисбатан янги лицензия талабларини, жумладан ишлаб чиқариш ускуналарини мажбурий рўйхатдан ўтказиш, унинг мулкдорларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқлаш;

техник спирт ишлаб чиқарувчилар фаолиятини лицензиялаш тартибини жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2021 йил 1 январдан бошлаб шундай тартибни жорий қилиш;

лицензия олувчилар томонидан ҳар йили лицензия тўловларини тўлаш бўйича талабларни жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2022 йил 1 январдан бошлаб шундай талабни жорий қилиш.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 июлда эълон қилинган.



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2019 йил 15 августдан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 июль,
ПФ-5771-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 24 июлдаги
ПФ-5771-сон Фармонига
ИЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига 2019 йил 15 августдан бошлаб
киритиладиган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5656-сон Фармонининг 5-бандидаги «2019 йил 1 июлгача» сўзлари «2020 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорининг 19-илоvasида:

а) 1 — 6 позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 1. Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, эфиральдегидли фракциядан ректификацияланган техник этил спирти ва этил спирти бош фракцияси (1 дал учун)		10 800
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун):		
табiiй равишда ачитилган (этил спирти қўшилмаган) табiiй		7 700



бошқа винолар		14 500
3. Коньяк (1 дал тайёр маҳсулот учун)		102 000*
4. Ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун)		92 950**
5. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)		10 100
6. Филтрли, филтрсиз сигареталар, папиролар		141 500 сўм / 1 000 дона + 4 фозиз*** »;

б) 15-позициянинг «сиқилган газ» қатори «бир ўлчов бирлигига сўмда» устунидаги «360» рақами «435» рақами билан алмаштирилсин.

Изоҳ: ушбу илованинг 2-банди «а» кичик банди 2019 йил 1 октябрдан амалга киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ


526 Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, шунингдек, тижорат банкларини микромолиялаштириш жараёнларига жалб қилиш бўйича кўрилаётган чоралар республикада микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини етарли даражада кенгайтиришга имкон яратганлигини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, микромолиялаштириш соҳасини тартибга солиш бўйича халқаро тажриба аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кредит ташкилотларининг салоҳиятини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли микромолиялаштириш қонунчилигини яхшилаш, унинг энг яхши амалиётларини, шу жумладан масофадан туриб хизмат кўрсатиш имкониятларини жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, аҳолида ҳаддан ташқари қарз юки шаклланишининг олдини олиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини, молиявий оммабопликни ошириш ва мазкур хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш республикада микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишлари бўлиши лозим.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 июлда эълон қилинган.



Микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Иқтисодий ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5614-сон Фармони билан белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий оммабоплик соҳасидаги илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда таркибида молиявий хизматлар оммабоплигини кенгайтиришни, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини оширишни, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини (кейинги ўринларда — Миллий стратегия) ишлаб чиқишга Жаҳон банкининг техник қўмаги жалб этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва келгусида амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 1-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

масъул вазирлик ва идораларнинг Миллий стратегия ижросининг бориши бўйича мувофиқлаштирилган ҳамкорлигини таъминлаш, зарур бўлганда, белгиланган тадбирларнинг бажарилишига оид тезкор чораларни кўриш;

Миллий стратегияни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари, экспертлар ҳамжамияти ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, ушбу мақсадларда семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш.

3. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ж.А. Қўчқоров):

бир ой муддатда мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган тадбирларни 2019 йил якунига қадар ижро қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин, шунингдек, режа ижросининг бориши тўғрисида ҳар ой Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин;

2020 йил 1 январга қадар «Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.


4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

2020 йил 1 январга қадар соҳага ихтисослашган халқаро экспертлар қўмагида аҳолининг молиявий саводхонлиги ва молиявий оммабоплик даражасини ҳолисона баҳолаш мақсадида тадқиқотлар ва сўровлар ўтказсин;

молиявий оммабопликни такомиллаштириш учун Молиявий инклюзив иттифоқ ва хорижий мамлакатларнинг марказий банклари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



2019 йил 1 августдан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин, унга мувофиқ:

микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 млн сўмгача, микрокредит миқдори — 300 млн сўмгача ва микролизинг миқдори — 600 млн сўмгача оширилади;

микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 иш кунигача қисқартирилади;

микрокредит ташкилотлари барча ишончли (бланкли) кредитларнинг улар шакллантирган устав фондига фоиз нисбатини мустақил белгилайди;

акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган микрокредит ташкилотларига корпоратив облигацияларни чиқариш ва уларни фақат юридик шахслар ўртасида жойлаштириш ҳуқуқи тақдим этилади;

хорижий микрокредит ташкилотларига Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотларининг устав фондида иштирок этишига рухсат берилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 августдан бошлаб:

а) микрокредит ташкилотларига:

банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молия ташкилотларнинг ағенти сифатида агентлик хизматларини фақат нақдсиз шаклда кўрсатиш ва агентлик битимининг мавжудлиги тўғрисида ахборотларни ошкор қилиш, шунингдек, жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш шарти билан қатнашишга;

макропруденциал назорат доирасида белгиланган нормаларга риоя қилинишини таъминлайдиган ҳажмларда кредитларни (қарзларни) жалб қилишга ва корпоратив облигацияларни чиқаришга;


микрокредит ташкилотлари бошқарувининг олий органлари қарори билан чакана хизматлар, шу жумладан нақдсиз шаклда кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар марказларини улар очилган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини хабардор қилган ҳолда очишга рухсат берилади;

б) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари жисмоний шахсларга банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан потенциал қарз олувчини масофадан туриб идентификациялаш, маълумотлар хавфсиз алмашувини амалга ошириш ва скоринг модели асосида қарз олувчининг кредит қобилиятини баҳолашни таъминлаш шарти билан онлайн-кредитлар (микроқарзлар) бериш ҳуқуқига эга.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қуйидагилар тақиқланади:

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

нобанк кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахслардан қисқа



муддатли микромолиявий хизматлар таъминотига кўчмас турар жой мулкани гаров сифатида қабул қилиш;

илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

2019 йил 1 сентябрга қадар микрокредит ташкилотлари бинолари ва касса хоналарининг техник жиҳозланганлик талабларини бугунги кун талаблари, халқаро тажриба ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш услубларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда соддалаштирсин;

2019 йил 1 октябрга қадар қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (қарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш методологияси ва рухсат этиладиган кўрсаткич бирликларини, шунингдек, жисмоний шахсларнинг қарз юкининг, шу жумладан кунлик энг юқори фоиз ставкалари бўйича ўсишини чеклаб туришга оид меъёрларни тасдиқласин;

2019 йил 1 ноябрга қадар кредит ташкилотлари томонидан таваккалчиликларнинг мос равишда бошқаруви мавжудлиги, кредит бюроларидан кредит маълумотларини мажбурий олиш, фаолиятнинг хавфсизлиги ва узлуксизлигини таъминлашни назарда тутувчи масофадан туриб хизмат кўрсатиш тартибини тасдиқласин;


2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда илгари тижорат банкида дастлабки идентификациядан ўтган жисмоний шахсни кредит ташкилотлари томонидан масофадан туриб идентификациялаш механизмини жорий этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 декабрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» ДУК маълумотлар базасини Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаси билан микромолиявий хизматлар бўйича гаровга қабул қилинган кўчар мулкка тақиқ қўйиш, ечиш ва мақомини текширишга оид кредит ташкилотларининг фойдаланиш имкониятини кенгайтиришни назарда тутувчи интеграциясини таъминласин;

қонунчиликка микромолиявий хизматлар бўйича гаров шартномасини мажбурий нотариал тасдиқлашни бекор қилиш ва кредит ташкилотлари томонидан гаров реестрининг маълумотлар базасига тегишли ёзувларни киритиш билан бир вақтда маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг маълумотлар базаларида акс этириш имкониятини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 1 ноябрга қадар мазкур қарор билан белгиланган нормалар таъсирининг таҳлили, шунингдек, соҳага ихтисослашган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг эксперт хулосаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни назарда тутувчи «Нобанк кредит ташкилотлари тўғри-



сида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

нобанк кредит ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари;
 нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг рухсат бериладиган турларини аниқлаш;
 микромолиявий хизматлар кўрсатиш ва уларнинг истеъмолчилари ҳуқуқини химоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш;
 нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш тартиби.

11. Мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари барча тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сон қарорига 1-илованинг 41-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки икки ой муддатда:

Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.


14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 июль,
ПҚ-4400-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**527 Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакат ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш, шунингдек, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмалардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.


Шу билан бирга соҳанинг амалдаги ҳолати қурилиш материаллари саноатини, электротехника соҳасини ривожлантиришга қаратилган фойдали қазилмаларнинг янги истиқболли майдонлари ва конларини аниқлаш учун қидирув захираларини кўпайтиришни ҳисобга олган ҳолда, минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклашга доир мақсадли дастурларни шакллантириш ва ижро этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, минерал-хом ашёларни излаш ва қазиб олишга рухсат бериш тартиб-тамоийилларини содалаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим чоралар қабул қилинишини талаб қилади.

Иқтисодиётни минерал-хом ашё ресурслари билан барқарор таъминлаш, геология тармоғининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда:

1. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) томонидан халқаро консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда, замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий қилишни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси минерал-хом ашё базасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Навий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖ билан биргаликда ишлаб чиқилган, конларни топишни давом эттириш учун қидирув захираларини кўпайтириш мақсадида фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонларини қидиришни 2020 йилда 35 фоизга, 2021 йилда эса 40 фоизга етказишни назарда тутувчи ва қўйидагиларни ўз ичига олган 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) маъқуллансин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 июлда эълон қилинган.



1-иловага* мувофиқ республиканинг геологик-иктисодий ҳудудлари кесимида фойдали қазилмалар прогноз ресурслари ва захиралари ўсишининг йиғма параметрлари;

2-иловага* мувофиқ ер ости сувлари захираларининг ўсиш параметрлари;

3-иловага* мувофиқ Давлат геология қўмитасининг геология ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш учун харид қилинадиган замонавий геология асбоб-ускуналари ва махсус техника воситалари, дастурий маҳсулотлар ва материаллар рўйхати.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат дастурини амалга ошириш учун бюджет ажратмалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Давлат геология қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги махсус мақсадли ҳисоб рақамларидан 4-иловага* мувофиқ ажратилишини кўзда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича йиллик давлат дастурларини келишиш жараёнида Давлат дастурини амалга ошириш учун Давлат геология қўмитасига ажратиладиган маблағлар манбаларига аниқлик киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Геология-қидирув ишларини олиб боришни янада такомиллаштириш, ер қаърини оқилона ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, кон-геология соҳасининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:


«Навоий КМК» ДК, унинг негизида ташкил этиладиган урanni қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, «Олмалиқ КМК» АЖ ресурс базасига кирувчи муайян геология объектлари алоҳида ажратилади, ушбу ресурс базасига киритилмаган бошқа геологик объектлар ва Давлат геология қўмитаси томонидан янгидан аниқланадиган фойдали қазилма конлари ва истиқболли майдонлар салоҳиятли инвесторларга берилади;

Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда, кейинчалик ушбу маълумотларни ўз расмий веб сайтида жойлаштириш ва бошқа қулай расмий воситалар билан, шу жумладан салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш учун бизнес тадбирларда иштирок этиш ҳамда чет элларда «road-show»лар ўтказиш орқали тарқатиш мақсадида, тизимли равишда, бироқ бир йилда камида бир марта истиқболли майдонларда фойдали қазилмаларни аниқлаш ва қидириш, шунингдек, конларда фойдали қазилмалар қазиб олишни ташкиллаштириш бўйича инвестициявий таклифлар портфелини шакллантиради.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

а) «Навоий КМК» ДК, унинг негизида ташкил этиладиган урanni қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, «Олмалиқ КМК» АЖ ре-

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



курс базасига бириктириладиган геология объектлари рўйхатини тасдиқлаш;

б) қўйидагиларни назарда тутган ҳолда стратегик муҳим турдаги фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тартибини такомиллаштириш:

стратегик муҳим турдаги фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тартибини, шу жумладан тегишли ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва ваколатли органлар билан келишишда бир-бирини такрорловчи босқичларни қисқартириш орқали соддалаштириш;

стратегик муҳим турдаги фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни ўттиз иш кундан ошмаган муддатда бериш.

7. Давлат геология қўмитаси:

а) икки ой муддатда Давлат дастурига киритилган ҳар бир объект бўйича аниқ муддатлар ва қўйидагилар учун масъул бўлган ташкилотларни назарда тутувчи «тармоқ графиклари» ишлаб чиқилишини таъминласин:

геология-қидирув ишларини олиб бориш учун геологик топшириқларни ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш;

фойдали қазилмаларнинг прогноз ресурслари ва захиралари кўпайишини ҳисоблаб борган ҳолда геология-қидирув ишларини олиб бориш;

геология-қидирув ишлари натижалари тўғрисида ҳисоботларни Давлат геология қўмитасининг Илмий-техникавий кенгаши ва Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси йиғилишларида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

б) 2020 йилдан бошлаб етакчи хорижий консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилган ҳолда геология-қидирув ишлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни тузишнинг халқаро стандартларини ва фойдали қазилмалар захираларини JORC Кодексига асосан тасдиқлашни жорий қилиш, шунингдек, Давлат геология қўмитасининг малакали мутахассисларини ўқитиш ва сертификациялашни назарда тутсин;


в) Давлат дастури доирасида қўйидагилар амалга оширилишини таъминласин:

чет эл ўқув марказларида геология йўналишидаги мутахассисларнинг амалиёт ўташи ва иқтидорли ёш мутахассис-бакалаврларни сиртқи магистратура йўналишларида ўқитиш;

рақамли геологик ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, унинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат геология фондидаги архив материаллари бўйича рақамли ахборотлар банкни ташкил қилиш;

геология-қидирув ишлаб чиқаришига мавжуд геологик ва бошқа маълумотларни рақамлаштиришни кенг жорий қилиш;

г) икки ой муддатда салоҳиятли инвесторларга фойдаланиш имкониятини тақдим этган ҳолда, қаттиқ фойдали қазилмаларнинг истикболли майдонлари ва конлари тўғрисидаги маълумотлар (захиралар, жойлашган ўрни,



жойлашув чуқурлиги ва бошқалар)ни жойлаштириш учун ягона электрон онлайн платформа яратсин.

8. Давлат геология қўмитасига юклатилган вазифаларни самарали мувофиқлаштириш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бўлинмасидан битта штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти тузилмасида қўшимча битта геология ва минерал-хом ашё базаси бўйича бош мутахассис штат бирлиги кўзда тутилсин.

Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибиятига бириктирилсин.

9. Молия вазирлиги Давлат геология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига стратегик муҳим турдаги қаттиқ фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун инвестицияларни жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин:

кон-геология соҳасида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ва амалга оширишнинг лицензия битими асосида ҳамкорлик қилишнинг шакли ва шартлари белгиланишини назарда тутувчи халқаро амалиётни жорий қилиш;

тўлиқ молиялаштириш таъминланган тақдирда, чет эллик инвесторларга тадбиркорлик таваккалчилиги шартлари асосида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳуқуқини тақдим қилиш;

фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлаш ҳуқуқи учун имтиёзли бонус ставкаларини қайта кўриб чиқиш;

кон қазилма соҳасидаги халқаро стандартларни қўллашни ҳисобга олган ҳолда стратегик муҳим турдаги қаттиқ фойдали қазилмаларнинг асосий турлари учун ер қаъридан фойдаланишга оид солиқ ставкаларини мақбуллаштириш;


чет эл инвесторлари томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг барча турларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда тўланиши;

лойиҳани амалга оширишнинг бутун даврида солиқ қонунчилигининг ўзгармаслиги кафолатларини таъминлаш.

10. Давлат геология қўмитасининг 6-иловага* мувофиқ геология ташкилотлари учун жойларда замонавий керна сақлаш омборхоналарини ташкил этиш, лаборатория қувватлари ва бошқа объектларни жиҳозлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси замонавий керна сақлаш омборхоналарини ташкил қилиш учун геология ташкилотларига белгиланган тартибда ер участкалари ажратилишини таъминласин.

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



11. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Геология соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» давлат корхонасида замонавий халқаро таълим стандартларини жорий этишни ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашни ҳисобга олган ҳолда унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги «2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2954-сон қарори билан ташкил қилинган 2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорига 3 ва 5-иловаларида кўрсатиб ўтилган параметрларга ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, бутун республика бўйича тасдиқланган умумий параметрлар доирасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Навоий КМК» ДК, «Олмалиқ КМК» АЖ, Фанлар академияси, Энергетика вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш ва утилизация қилиш имкониятларини танқидий ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Техноген чиқиндиларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари дастурини киритсин.

14. Ушбу қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий чора-тадбирлар режаси 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 8-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Давлат геология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 июль,
ПҚ-4401-сон

* 7-8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

528 Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-хунар, олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги аризалар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади;

хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги аризалар 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади.


3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган электрон шаклдаги ҳужжатларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 июлда эълон қилинган.



бир ой муддатда давлат хизматлари марказларининг ходимлари учун хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган ўқув-амалий семинарлар ўтказилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатлари тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) тан олинмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ўз ҳудудий бўлинмаларининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланиши ҳамда самарали фаолият кўрсатиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекция манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 июль,
620-сон



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарорига
1-ИЛОВА

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларни тан олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат — хорижий давлатларнинг миллий қонунчилиги асосида берилган таълим олганликни тасдиқловчи расмий ҳужжат;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш — хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат эгасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим олиш ва (ёки) касбий фаолият юритиш учун рухсат бериш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан хорижий давлатларда олинган таълим малакасини расман тасдиқлаш.


3. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш Ўзбекистон Республикасидаги ваколатли давлат органларига хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида мурожаат этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, улар вояга етмаган бўлса ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) мурожаатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича:

умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) томонидан;

ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади) томонидан амалга оширилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



5. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бепул амалга оширилади.

6. Хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари (2019 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари) миқдоридан йиғим ундирилади.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда йиғим давлат хизматини кўрсатганлик учун белгиланган йиғимнинг 90 фоизи миқдоридан ундирилади.

Ундирилган йиғим қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига талабгорларнинг ўзлари келиб мурожаат қилганда ундирилган йиғимнинг:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига;

40 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига;

қолган қисми — Давлат инспекциясининг ҳисоб рақамига;

б) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда ундирилган йиғимнинг:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига;

11 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига;

45 фоизи — Давлат инспекциясининг ҳисоб рақамига;

қолган қисми — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.


7. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш қуйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри (синовларсиз) амалга оширилади:

хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва малака ошириш таълими олган талабгорларнинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингидан олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

тизимда олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни



мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига ўқишга кирган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари — ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Исроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.


2-боб. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун қабул қилиш

8. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун талабгорлар томонидан бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилинади.

Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилинганда талабгор номидан давлат хизматлари маркази ходими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда эса талабгорнинг ўзи мустақил равишда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги сўровномани (кейинги ўринларда сўровнома деб аталади) тўлдиради.

9. Давлат хизматлари маркази ходими ёки талабгор томонидан сўровномада талабгорнинг электрон манзили қайд этилиши хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳудудий бошқармалар ёки Давлат инспекциясининг қабул қилган қарори ҳақида электрон шаклда маълумот олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

10. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:



хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжат ва унга илованинг нусхаси;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжат ва унга илованинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган нусхаси.

Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилинганда талабгорнинг шахсини тасдиқловчи хужжат, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжат ва унга илованинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган нусхаси билан бирга давлат хизматлари маркази ходимига тақдим этилади.

Хужжатлар қабул қилингандан кейин талабгорнинг шахсини тасдиқловчи хужжат, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжат ва унга илова асл нусхасининг нотариал тасдиқланган таржимаси билан бирга талабгорга қайтарилади.

Талабгорлардан ушбу бандда кўрсатилмаган хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

11. Сўровнома давлат хизматлари марказида ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали зарур маълумотлар киритилгандан сўнг талабгорнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат қилган талабгорнинг сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

12. Нотўғри ёки қалбаки маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган ҳар қандай босқичда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатни тан олиш жараёни тўхтатилади, топширилган хужжатлар ва тўланган йиғим қайтарилмайди.


Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатнинг қалбаки эканлигини аниқлаш Давлат инспекцияси томонидан хужжат берган таълим муассасасига оид маълумот тақдим этиш ҳақида тегишли давлатлар ёки ташкилотларга сўровнома юбориш ёхуд Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларда жойлаштирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Қалбаки хужжат аниқланган тақдирда, мазкур хужжатлар ҳудудий бошқармалар ёки Давлат инспекцияси томонидан қонун хужжатларига мувофиқ чора кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилади.

13. Қуйидаги ҳолатларда давлат хизматлари кўрсатилиши рад этилиши мумкин:

талабгорлар томонидан сўровноманинг электрон рақамли имзо ёки имзони идентификация қилишнинг бошқа воситалари билан тасдиқланмаганлиги;

талабгорлар томонидан нотўғри ёки қалбаки маълумотлар тақдим этилгани маълум бўлиб қолганлиги;



сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш бўйича давлат хизмати кўрсатганлик учун белгиланган йиғимнинг тўланмаганлиги (хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш бундан мустасно).

Давлат хизматлари кўрсатишни мазкур бандда кўрсатилган асослардан бошқа ҳолатлар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортишга ҳақли.

Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг муурожаати кўрилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим қайтарилмайди.

Талабгорга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (талабгорнинг вафот этиши, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши ва талабгорга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар туфайли давлат хизматидан фойдаланиш зарурати мавжуд эмаслиги) сабабли давлат хизматидан фойдаланилмаган тақдирда, тўланган йиғим талабгорга ёки унинг қонуний вакилига, қонуний вакили бўлмаган ҳолларда ҳуқуқий ворисига қайтарилади.

15. Давлат инспекциясига маълумотлар:

давлат хизматлари марказлари орқали муурожаат қилинганда сўровнома қабул қилинган вақтдан бошлаб ўн дақиқа ичида;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали муурожаат қилинганда дарҳол юборилади.


16. Тўлиқ тақдим этилмаган ҳужжатлар ҳудудий бошқармалар ёки Давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқилмайди ҳамда ҳужжатлар топширилган пайтдан бошлаб бир иш кунида сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар тегишлилиги бўйича давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали камчиликлари кўрсатилган ҳолда талабгорга қайтариб юборилади.

3-боб. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш

17. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун ҳудудий бошқармаларда 3 — 5 кишидан иборат бўлган хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ўрганиш бўйича комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар комиссиялари деб аталади) ташкил этилади.

Ҳудудий бошқармалар комиссиялари таркиби ва уларнинг иш тартиби ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган регламентга мувофиқ белгиланади.

18. Ҳужжатлар давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган пайтдан бошлаб ҳудудий бошқармалар томонидан бир иш куни мобайнида сўровнома ва унга илова



қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги текширилади. Ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда бир иш кунидан кечикмай ҳудудий бошқармалар комиссияларига юборилади.

19. Ҳудудий бошқармалар комиссиялари томонидан уч иш кунда ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, хорижий давлатдаги умумий ўрта таълим муддати 9 йилдан кам бўлмаса ҳамда ўрта таълим муддати 11 йилдан кам бўлмаса, хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида хулоса тайёрланади.

Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тегишли равишда Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта ёки ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларга тенглаштирилган ҳолда тан олинади.

20. Ҳудудий бошқармалар комиссияларининг хулосаларига кўра ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан бир иш кунда хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида буйруқ чиқарилади.

Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги буйруқ асосида ҳудудий бошқармалар томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда маълумотнома тайёрланади.

21. Маълумотнома ҳудудий бошқарма масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, тегишлилигига кўра давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юборилади.

Маълумотнома қабул қилинган пайтдан бошлаб бир соат ичида давлат хизматлари маркази томонидан талабгорга бу ҳақида хабарнома юборилади.



Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат маълумотнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

22. Ҳудудий бошқармалар комиссиялари бутун йил давомида фаолият кўрсатади ва ўз фаолияти ҳақида ҳар чоракда Давлат инспекциясига ҳисобот беради.

4-боб. Хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш

23. Хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни (кейинги ўринларда хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар деб аталади) тан олиш учун Давлат инспекциясида хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ўрганиш бўйича эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда эксперт комиссиялари деб аталади) ташкил этилади.

Ҳужжатлар давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив дав-



лат хизматлари портали орқали келиб тушган пайдан бошлаб Давлат инспекцияси томонидан бир иш куни мобайнида сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги текширилади. Ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда бир иш кунидан кечикмай эксперт комиссияларига юборилади.

24. Эксперт комиссиялари Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан тегишли таълим соҳалари бўйича 5 — 21 кишидан иборат таркибда ташкил этилади. Эксперт комиссиялари таркибига Давлат инспекцияси ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари киритилади.

Эксперт комиссиялари раислари комиссия аъзолари орасидан оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади.

Эксперт комиссияларининг таркиби ва уларнинг иш тартиби Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган регламентга мувофиқ белгиланади.

25. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар эксперт комиссиялари раислари томонидан комиссия аъзолари ўртасида индивидуал тарзда кўриб чиқиш ва хулоса бериш учун тақсимланади. Эксперт комиссиялари аъзолари томонидан ҳар бир хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат бўйича алоҳида хулоса берилади.

Эксперт комиссиялари аъзолари ўзлари берган хулосаларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни экспертиза қилиш жараёнида эксперт комиссияси аъзосида ҳужжат юзасидан тушунмовчилик ва иккиланиш ҳолатлари келиб чиқса, ушбу ҳужжат комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан коллегиял тарзда ўрганилиб, якуний хулоса чиқарилади.


Эксперт комиссиялари аъзолари томонидан берилган хулосалар эксперт комиссияси котиби томонидан умумлаштирилади ҳамда эксперт комиссияси раиси ва хулоса берган комиссия аъзоси томонидан имзоланган ҳолда Давлат инспекциясига тақдим этилади.

26. Эксперт комиссияларининг хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олишни рад этиш ҳақидаги хулосаси тўғрисидаги хабарнома бир иш куни ичида Давлат инспекциясининг масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, тегишлилиги бўйича давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юборилади.

27. Қўйдагилар эксперт комиссияларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат инспекциясидан хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни экспертиза қилиш учун қабул қилиб олиш;

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга қўйилган талаблар асосида талабгорлар томонидан топширилган хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш;



хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг экспертизаси асосида тегишли хулоса тайёрлаш;

талабгорнинг хорижий давлатда олинган билим (тайёргарлик) даражасини текшириш бўйича синов материалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар экспертизаси якунлари бўйича тайёрланган хулосани эксперт комиссиясига тақдим этиш.

28. Экспертиза давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари, таълим муассасаларининг ўзлари жойлашган давлатларда тан олинганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки маълумот, хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар ва уларга иловалар нусхалари асосида амалга оширилади.

29. Экспертиза қўйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: ўқитилган таълим дастурлари ёки ўқув режалари ҳажми ва мазмуни; ўзлаштирилган мутахассислик (ихтисослик) фанлари ҳажми (фанларнинг номи ва соатлар миқдори);

амалиётнинг мавжудлиги ва унинг давомийлиги.

Олинган билимлар ва малака якуний тайёргарлик нуқтаи назаридан таълим дастурлари, ўқув режалари ва ўзлаштирилган билимлар мажмуидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

30. Давлат инспекцияси томонидан эксперт комиссияларининг сўровига кўра хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган таълим муассасасининг ўша давлатда тан олинганлиги, хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат ушбу ҳужжатда кўрсатилган таълим муассасаси томонидан берилганлиги текширилиши, зарур ҳолларда тегишли таълим муассасаси, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи ҳужжатлар сўраб олиниши мумкин.


31. Талабгорлар ўз тайёргарлиги ҳақидаги бошқа ҳужжатларни, жумладан, таълим олишнинг кейинги даражалари, касбий фаолият билан шуғулланиш мумкинлиги, амалий тажриба ҳақидаги ҳужжатларни ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржималари билан бирга тақдим этишга ҳақлидирлар.

32. Эксперт комиссиялари хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳужжатларни кўпи билан ўн иш куни ичида экспертизадан ўтказди ва хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга қўйиладиган талабларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

33. Эксперт комиссиялари аъзоларига ҳамда эксперт комиссиялари фаолиятига жалб этиладиган мутахассисларга Давлат инспекцияси билан тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ҳар битта хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат экспертизаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисми миқдорида ҳақ тўланади.

5-боб. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга қўйиладиган талаблар

34. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида ижобий хулоса бериш учун қўйидагилар асос ҳисобланади:



хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ва ушбу муассаса томонидан берилган ҳужжатнинг ўша давлат томонидан тан олинган бўлиши;

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат беришга асос бўлган таълим стандартларининг ёки таълим дастурларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган давлат таълим стандартлари ва таълим дастурларига мувофиқлиги;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий таълим тўғрисида ҳужжатни берган давлатнинг таълим тизимига қўйилган умумий талабларнинг мослиги.

35. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган тайёргарлик соҳаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва курсларга мувофиқ келмаса ёки ўқитиш ҳамда тайёрлаш Ўзбекистон Республикасида олиб борилмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва соҳаларда амалга оширилган бўлса, ушбу ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун Давлат инспекцияси томонидан таълим соҳаси энг яқин бўлган эксперт комиссиялари фаолиятига қўшимча мутахассислар жалб этилиши мумкин.

36. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

а) хорижий давлатларда касбий маълумот тўғрисида ҳужжат берадиган таълимнинг умумий меъёрий даври (тўлиқ умумий ўрта ёки ўрта маълумот олингандан кейин) Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида назарда тутилган даврдан икки йилдан кам бўлса;

б) хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидагига қараганда таълим олиш ва (ёки) касбий фаолият билан шуғулланиш учун кам ҳуқуқлар берилган бўлса (ҳужжат эгаси таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш, касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаса);

в) маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса;

г) олий таълим босқичларида:


бакалаврият бўйича ўқиш муддати уч йилдан кам бўлса ёки Европа таълим тизими асосида ўқиш давомида 240 дан кам кредит тўплаган бўлса; магистратура бўйича ўқиш муддати бир йилдан кам бўлса;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари қўшиб ўқитиладиган таълим дастурлари бўйича таълим олганда умумий ўқиш даври уч йилдан кам бўлса;

д) тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинмайдиган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларга тўғри келмаса.

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Хорижий давлатлар таълим тизими асосида тўпланган кредитлар Европа таълим тизими бўйича тўпланиши лозим бўлган минимал кредит миқдори (240 кредит) қиёсланган ҳолда аниқланади.



37. Хорижий давлатларда ўрта махсус ва касб-хунар таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тегишли равишда Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус ёки касб-хунар таълими тўғрисидаги ҳужжатларга тенглаштирилган ҳолда тан олинади.

Хорижий давлатларда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар хорижий давлатда тамомланган таълим босқичи бўйича тан олинади.

Хорижий давлатларда кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар хорижий давлатда тамомланган кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси бўйича тан олинади.

6-боб. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда тест синовларини ташкил этиш

38. Эксперт комиссиялари томонидан ижобий хулоса берилган хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тан олиш учун топширилган талабгорлар учун Давлат инспекцияси томонидан тест синовлари ташкил этилади (хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинган ҳолатлар бундан мустасно).

Тест синовларининг ўтказилиш вақтлари ҳақидаги маълумот синовлар бошланишидан камида ўн кун олдин Давлат инспекциясининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

39. Хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари бўйича эксперт комиссиялари томонидан ижобий хулоса берилган талабгорлар тест синовлари ўтказилиши ҳақидаги маълумот Давлат инспекциясининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилган пайтдан бошлаб кўпи билан олти ой давомида тест синовларида иштирок этмаса, тест синовларини топшириш учун сўровнома тўлдирган ҳолда белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилади.


Тест синовларини топшириш учун қайта мурожаат қилинганда, талабгорларнинг хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари экспертизадан ўтказилмайди.

40. Тест синовлари талабгорларнинг таълим олган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича мутахассислик фанларидан ўтказилади.

Тест синовлари 50 та саволдан иборат бўлиб, ҳар бир тест саволи учун 2 дақиқадан, жами 100 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволи 2 балл билан баҳоланади.

41. Тест синовлари натижаларига кўра 54 ва ундан кам балл тўплаган талабгорларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари тан олинмайди.

42. Тест синовлари натижаларига кўра таълим тўғрисидаги ҳужжатлари тан олинмаган талабгорлар давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ушбу Низомда белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилишлари мумкин.



Талабгорлар тест синовларини қайта топшириш учун мурожаат қилганда уларнинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари эксперт комиссияси томонидан қайта кўриб чиқилмайди.

Тест синовларини қайта топшириш учун талабгорлардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари (2019 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари) миқдорида йиғим ундирилади.

43. Талабгорлар:

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни экспертиза қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича — эксперт комиссиясининг хулосасини олган кундан бошлаб ўн иш куни ичида;

тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича — синовлар ўтказилган куни;

тест синовлари натижаларидан норозилиги бўйича — синовлар натижалари эълон қилинган пайтдан бошлаб ўн иш куни ичида Давлат инспекциясига шикоят қилишлари мумкин.

Талабгорлардан тушган шикоятлар Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан ташкил этиладиган апелляция комиссияси томонидан икки ҳафта ичида кўриб чиқилади ва талабгорларга ёзма равишда жавоб юборилади.

Хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни экспертиза қилишда иштирок этган эксперт комиссиялари аъзолари апелляция комиссиялари таркибига киритилиши мумкин эмас.

Шикоятни апелляция комиссиялари томонидан кўриб чиқиш жараёнида талабгор ҳам бевосита иштирок этишга ҳақли.

7-боб. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишни расмийлаштириш


44. Эксперт комиссиялари томонидан таълим тўғрисидаги ҳужжатларга ижобий хулоса берилган ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтган талабгорларга, шунингдек, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинган талабгорларга Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан:

хорижий давлатда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги гувоҳнома;

хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги гувоҳнома;

хорижий давлатда кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклдаги гувоҳнома;

хорижий давлатда малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шаклдаги гувоҳнома бериш бўйича буйруқ қабул қилинади.



45. Давлат инспекцияси бошлигининг хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома бериш тўғрисидаги буйруғига асосан тегишли гувоҳномалар тайёрланади ҳамда Давлат инспекцияси масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, уч иш куни ичида тегишлилигига кўра давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорларга юборилади.

Гувоҳнома қабул қилинган пайдан бошлаб бир соат ичида давлат хизматлари маркази томонидан талабгорга бу ҳақида хабарнома юборилади.

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

46. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат берган таълим муассасаси, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи ҳужжатларни олиш талаб этилган ҳолларда Давлат инспекцияси томонидан таълим муассасасига оид маълумот тақдим этиш ҳақида тегишли давлат ёки ташкилотларга сўровнома юборилади.

Хорижий давлат ёки ташкилотдан хорижий таълим муассасасига оид маълумотларни олиш учун талаб этиладиган вақт ушбу Низомда белгиланган муддатларга кирмайди.

8-боб. Яқунловчи қоидалар


47. Хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта ва ўрта махсус таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва гувоҳнома шахсларга Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасаларида таълимнинг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳамда касб-хунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасаларида таълимнинг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ва касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

48. Худудий бошқармалар ва Давлат инспекцияси хорижий давлатлар томонидан тан олинган хорижий таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаб қўйиш чораларини кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатларнинг умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими муассасалари тўғрисидаги маълумотларни олишда худудий бошқармаларга ва Давлат инспекциясига кўмаклашади.

49. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳнома эгасининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда унинг аризасига биноан маълумотнома ва гувоҳнома қайта расмийлаштирилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳномани қайта расмийлаштириш те-



гишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза олинган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан ўн беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

50. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳнома ўрнига, улар эгасининг аризасига кўра дубликат берилди.

51. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳноманинг қайта расмийлаштирилганлиги ёки дубликат берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.


52. Талабгорлар хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ёки уни рад этиш ҳақидаги хулоса, шунингдек, Давлат инспекцияси ходимлари ва эксперт комиссиялари аъзоларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш натижалари юзасидан шикоят ва аризалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

53. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳномалар ҳисоби Давлат инспекциясининг «Гувоҳнома» ахборот тизимлари комплекси реестрида юритилади.

Гувоҳномалар реестрида талабгор тўғрисидаги асосий маълумотлар, хусусан, талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, таълим олган давлат ва таълим муассасасининг номи, таълим йўналиши, мутахассислиги ва курси номи, гувоҳнома серияси ва рақами, гувоҳноманинг берилган саноми ва тартиб рақами кўрсатилади.

54. Давлат хизматлари марказлари ва Давлат инспекцияси талабгорлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши лозим.



Хорижий давлатларда таълим олганлик
тўғрисидаги хужжатларни тан олиш
тартиби ҳақидаги низомга
2-ИЛОВА

**XORIJIY DAVLATDA UMUMIY O'RTA VA O'RTA TA'LIM
OLGANLIK TO'G'RISIDAGI HUJJATNI TAN OLISH HAQIDAGI
MA'LUMOTNOMA**

O' № 000000

Ushbu ma'lumotnoma bilan fuqaro _____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

_____ tomonidan
(ta'lim muassasasi nomi)

_____ yilda _____ berilgan
(hujjat berilgan yil) (hujjat berilgan davlat nomi)


____-seriyali _____-raqamli ma'lumot to'g'risidagi hujjat (guvoohnoma, shahodatnoma) O'zbekiston Respublikasida tan olinadi va umumiy o'rta ma'lumot (o'rta ma'lumot) haqidagi guvoohnomaga (shahodatnomaga) tenglashtiriladi.

Xalq ta'limi
boshqarmasi boshlig'i _____
(imzo) (familiyasi, ismi va otasining ismi)

(muhr o'rni)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami: _____

Berilgan sanasi: _____
(kun, oy, yil)



Хорижий давлатларда таълим олганлик
тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш
тартиби ҳақидаги низомга
3-ИЛОВА



my.gov.uz
Yagona interaktiv davlat xizmatlari
portali



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA‘LIM SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIIY DAVLATDA O‘RTA MAXSUS VA KASB-HUNAR TA‘LIMI
OLGANLIK TO‘G‘RISIDAGI HUJJATNI TAN OLISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

O‘MK № 000000


Ushbu guvohnoma bilan fuqaro _____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)
_____ tomonidan
(ta‘lim muassasasi nomi)
_____ yilda _____ berilgan
(hujjat berilgan yili) (hujjat berilgan davlat nomi)
_____ -seriyali _____ -raqamli ma‘lumot to‘g‘risidagi hujjat
O‘zbekiston Respublikasida tan olinadi va _____
(mutaxassislik nomi)
mutaxassisligi bo‘yicha o‘rta maxsus (kasb-hunar) ma‘lumoti darajasidagi
diplomga tenglashtiriladi.

Davlat
inspeksiyasi boshlig‘i: _____
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro‘yxatdan o‘tkazish raqami: _____

Berilgan sanasi: _____
(kun, oy, yil)

QR — kod



Хорижий давлатларда таълим олганлик
тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш
тартиби ҳақидаги низомга
4-ИЛОВА



my.gov.uz

Yagona interaktiv davlat xizmatlari
portali



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA'LIM SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIY DAVLATDA OLIY TA'LIM OLGANLIK
TO'G'RISIDAGI HUJJATNI TAN OLISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

O № 000000

Ushbu guvohnoma bilan fuqaro _____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

_____ tomonidan
(ta'lim muassasasi nomi)

_____ yilda _____ berilgan
(hujjat berilgan yili) (hujjat berilgan davlat nomi)

_____ seriyali _____ raqamli ma'lumot to'g'risidagi hujjat
O'zbekiston Respublikasida _____
(ta'lim yo'nalishi yoki mutaxassisligi nomi)


ta'lim yo'nalishi (mutaxassisligi) bo'yicha tan olinadi.

Davlat inspeksiyasi boshlig'i: _____
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami: _____

Berilgan sanasi: _____
(kun, oy, yil)

QR — kod



Хорижий давлатларда таълим олганлик
тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш
тартиби ҳақидаги низомга
5-ИЛОВА



my.gov.uz
Yagona interaktiv davlat xizmatlari
portali



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA‘LIM SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIY DAVLATDA KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH
TA‘LIMI OLGANLIK TO‘G‘RISIDAGI HUJJATNI
TAN OLISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

QT № 000000


Ushbu guvohnoma bilan fuqaro _____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)
_____ tomonidan
(ta‘lim muassasasi nomi)
_____ yilda _____ berilgan
(hujjat berilgan yili) (hujjat berilgan davlat nomi)
_____ seriyali _____ raqamli ma‘lumot to‘g‘risidagi hujjat
O‘zbekiston Respublikasida _____
(qayta tayyorlash kursi nomi)
qayta tayyorlash kursi bo‘yicha tan olinadi.

Davlat inspeksiyasi boshlig‘i: _____
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro‘yxatdan o‘tkazish raqami: _____

Berilgan sanasi: _____
(kun, oy, yil)

QR — kod



Хорижий давлатларда таълим олганлик
тўғрисидаги хужжатларни тан олиш
тартиби ҳақидаги низомга
6-ИЛОВА



my.gov.uz

Yagona interaktiv davlat xizmatlari
portali



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA'LIM SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIY DAVLATDA MALAKA OSHIRISH TA'LIMI OLGANLIK
TO'G'RISIDAGI HUJJATNI TAN OLISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

MO № 000000

Ushbu guvohnoma bilan fuqaro _____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

_____ tomonidan
(ta'lim muassasasi nomi)

_____ yilda _____ berilgan
(hujjat berilgan yili) (hujjat berilgan davlat nomi)

_____ seriyali _____ raqamli ma'lumot to'g'risidagi hujjat
O'zbekiston Respublikasida _____
(malaka oshirish kursi nomi)


malaka oshirish kursi bo'yicha tan olinadi.

Davlat inspeksiyasi boshlig'i: _____
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami: _____

Berilgan sanasi: _____
(kun, oy, yil)

QR — kod



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда):

1-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 698-модда):

а) 2-банднинг олтинчи хатбошидаги «тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни» сўзлари «тан олишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

8-банднинг олтинчи хатбошидаги «тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни» сўзлари «тан олишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг «д» кичик бандида:


биринчи хатбошидаги «тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни» сўзлари «тан олишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидан «ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги «нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)» сўзлари «тан олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) амалга оширилганда талабгорга давлат намунасидаги» сўзлари «талабгорларга» сўзи билан алмаштирилсин.

в) 3-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 3 апрелдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 14-сон, 222-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сон Фармони)» 2019 йил 29 мартдаги 261-сон қарори.


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**529 Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш
корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат
хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 июлда эълон қилинган.



а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 19 июндаги ПҚ–3786-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида жорий этилган жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича «Хавфсиз пойтахт» концепцияси доирасида куну тун уч сменали патруль режими республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Жамоат жойларида видеокузатув тизимини қўллаш ва фойдаланиш методикаси тасдиқланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 11 октябрдаги ПФ–5552-сон Фармонида мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш кучларининг уч сменали режимдаги патрулини таъминлаш орқали сайёҳлар учун дам олишни ташкил этиш дастурларини тасдиқлаган ҳолда Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва сайёҳлар ташриф буюрадиган бошқа жойларда савдо-кўнгилочар ва умумий овқатланиш объектлари фаолияти тунги вақтда чекланишига йўл қўйилмайдиган зоналарни аниқлаш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 15 октябрдан бошлаб жамоат хавфсизлиги бўйича умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда қўйидаги талабларни белгилаган ҳолда уларнинг 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритишини таъминлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

«Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг ички қисмига, шу жумладан, хизмат кўрсатиш хоналари, кириш ва чиқиш жойларига тасвирни камида ўттиз кун давомида сақлаш имконини берувчи видеокузатув тизимини ўрнатиш;

биноларнинг ён-атрофи, автотураргоҳ ва уларга тегишли бошқа ҳудудларни етарли даражада (камида 10 метр масофада) ёритиш;

бинода шовқиннинг рухсат этиладиган шовқин меъёрларига қўйиладиган санитария қоидалари ва нормаларидан ошмаслигини таъминлаш, шу жумладан, объектларни тўлиқ товуш ўтказмайдиган этиб жиҳозлаш ёки тунги вақтда мусиқа ва товуш кучайтиргич асбоб-ускуналаридан фойдаланмаслик;

ёнғин ўчириш воситалари ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун



зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар тўплами солинган тиббий ёрдам кутичалари билан таъминлаш;

бинонинг барча учун кўринарли жойларига ёнғин ва бошқа фавқулодда (тезкор) вазиятлар юз берган тақдирда ҳаракатланиш ва фуқароларни эвакуация қилиш чизмаси ҳамда тезкор ва қутқарув хизматларининг телефон рақамлари кўрсатилган маълумотларни ўрнатиш.

3. Белгилансинки:

умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар раҳбари томонидан ушбу қарорнинг 2-бандида белгиланган талаблар бажарилганлиги ҳақида ҳудудий ички ишлар органларига тегишли маълумот тақдим этилади;

ушбу қарорнинг 2-бандида белгиланган талабларга риоя этмаган ҳолда тунги вақтда фаолият юритиш тақиқланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади;

ушбу қарорнинг 2-бандида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг қонуний фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аралаштириш тақиқланади;

видеокузатув тизимини ўрнатиш ва ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш тегишли умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

тунги вақтда фаолият юритаётган умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар томонидан мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган талаблар бузилса ёки уларнинг тунги фаолияти юзасидан жамоатчилик томонидан мунтазам равишда эътирозлар билдирилса, уларнинг тунги вақтда фаолият юритиш ҳуқуқи маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бекор қилиниши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири:


Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири билан биргаликда тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлардаги видеокузатув тизимларини «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексига интеграция қилишда уларга ҳар томонлама қўмаклашсин;

Миллий гвардия билан биргаликда патруль гуруҳлари томонидан тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар жойлашган йўналишларда доимий назорат ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

белгиланган тартибда тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар рўйхатини шакллантирсин ва унинг доимий равишда янгиланган ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилишини;

ушбу қарорнинг мақсади, моҳияти ва аҳамияти тадбиркорлик субъектлари орасида тушунтирилишини таъминласинлар.



6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириди.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Б.Х. Ташматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 июль,
624-сон


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

530 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда республикада болалар ва аёллар ҳолатини халқаро даражада баҳолаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида «Мультииндикатор кластер кузатуви» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади), Давлат статистика қўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (кейинги ўринларда ЮНИСЕФ деб аталади) ўртасида уч томонлама келишув имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 июлда эълон қилинган.



2. Қуйидагилар:

«2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатуви»ни (кейинги ўринларда Кузатув деб аталади) ўтказиш учун Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Кузатувни ўтказиш схемаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

глобал «Multiple Indicator Cluster Survey» (кейинги ўринларда MICS деб аталади) дастури талабларига мувофиқ Кузатувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Кузатув ўтказиш учун ваколатли орган ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириб бориш;

глобал MICS дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ Кузатув режаси ва бюджетини тасдиқлаш;

Кузатувга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши устидан назорат олиб бориш;

Кузатув саволномаларини тасдиқлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) Кузатувни ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминласин:

кузатилиши лозим бўлган уй хўжаликлари сони ва рўyxатини шакллантириш;

глобал MICS дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ Кузатув режаси ва бюджетини ишлаб чиқиш ва кенгашга тасдиқлаш учун киритиш;

Кузатув саволномаларини ишлаб чиқиш ва кенгашга тасдиқлаш учун киритиш;

Кузатувни ўтказиш учун экспертларни, шу жумладан халқаро экспертларни жалб этиш;

саволномаларни тўлдириш бўйича интервьюерлар учун йўриқномаларни ишлаб чиқиш;

Кузатув ўтказиш учун мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув тренинглари ташкил этиш;


жойларда Кузатувни ўтказиш.

5. Давлат статистика қўмитаси Кузатувни 2020-2021 йиллар учун мўлжалланган Давлат статистика ишлари дастурига киритилишини таъминласин.

6. Кузатувга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва натижаларини қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб қилинган шахслар учун Кузатув ўтказилиши белгиланган муддатларда асосий иш жойидаги иши (лавозими) ва ўртача иш ҳақи миқдори сақланиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги Давлат статистика қўмитасига Кузатув-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ни амалга ошириш доирасида халқаро ва донор ташкилотлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат статистика қўмитасига, зарур ҳолларда, Кузатувда иштирок этувчи мутахассисларни ўқитиш учун хорижий экспертларни жалб қилиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кузатувни ўтказишда иштирок этадиган ходимларга болаларнинг иммунизация ҳолатини ўрганиш мақсадида Кузатув ўтказиладиган жойлардаги оилавий поликлинакаларда беш ёшгача бўлган болаларнинг индивидуал тиббий карталаридан фойдаланиш учун шароит яратиб берсин.

9. Кузатувни ўтказишда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши — жойларда ишларни ташкил этиш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси — кузатиладиган маҳаллаларнинг картасини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан ваколатли органга ҳар томонлама қўмаклашсинлар.

10. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 октябргача Кузатув натижаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли йўналишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.


11. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига Кузатувни ўтказишнинг муҳимлигини кенг ёритилишини ташкил этиш, шунингдек, телерадиоканалларда Кузатув ўтказиш билан боғлиқ ахборот роликларини жойлаштириш ва уларнинг мунтазам эфирга узатиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.И. Боситхонова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Б.А. Бегалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 июль,
625-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**531 Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ–3261-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича эксперимент ўтказилди.

Эксперимент жараёнида 60 нафар тадбиркор ва 266 та мактабгача таълим муассасаси иштирок этиб, жами 63760 нафар тарбияланувчини аутсорсинг усулида (мактабгача таълим муассасасига тайёр овқат етказиб бериш йўли билан) овқатлантириш ташкил этилди.

Эксперимент жараёнида тарбияланувчиларнинг иштирок этган 3 358 нафар ота-онаси ўртасида ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра, 2 921 нафар (87%) ота-оналар аутсорсерлар томонидан тайёрлаган таомларга ижобий баҳо берди.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш орқали болаларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш, соғлом овқатлантиришнинг замонавий услулари жорий этган ҳолда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ–3261-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳридаги давлат мактабгача таълим муассасаларида тадбиркорлик субъектлари томонидан аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича ўтказилган эксперимент натижалари жамоатчилик ва ота-оналар томонидан ижобий баҳоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. Қуйидагилар:

Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда давлат мактабгача таълим муассасаларида соғ-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 июлда эълон қилинган.



лом овқатлантиришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига кўра ташкил қилинади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг сўрови бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги ўртача бозор нархлари тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда ўзларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтларида жойлаштирилиши ва тақдим этилишини таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этиладиган давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсер томонидан овқатлантиришни ташкил этиш учун фойдаланиладиган коммунал хизматлар тўловлари мактабгача таълим муассасасига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида қопланади;

давлат мактабгача таълим муассасасида овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилганда, ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўлов ноль ставка бўйича белгиланади;

овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилиши муносабати билан тежалган пул маблағлари, биринчи навбатда, давлат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг овқатланиш шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирилади.


6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

мактабгача таълим муассасаларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, шунингдек, уларда фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги, ошхоналар ходимлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари бажарилишига риоя этилишини аниқлаш юзасидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар ойда санитария ҳолати ўрганиб борилишини ташкил этсин;

Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни белгилловчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини уч ой муддатда қайта кўриб чиқиб, зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида тегишли йил учун тасдиқланган

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



умумий квоталар доирасида «Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш» йўналиши бўйича талабни инобатга олган ҳолда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларга истеъмол учун берилаётган таомлар сифати бўйича қатъий назоратни таъминласин;

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан овқатлантириш ташкил этилганда ошпазлар ва ошпаз ёрдамчиларининг ҳар уч йилда бир марта малакасини ошириш ишларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 19 июлдаги 528-сон қарори 1-банди ва 4-илоvasи (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 30-сон, 732-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


11. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Қ. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 июль,
626-сон



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом
овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари давлат мактабгача таълим муассасаларига (кейинги ўринларда мактабгача таълим муассасалари деб аталади) нисбатан татбиқ этилади.

2. Тарбияланувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш мактабгача таълим муассасаларининг ошхоналарида (кейинги ўринларда ошхона деб аталади) санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шарт-шароитлар яратилган ҳолда амалга оширилади.

**2-боб. Мактабгача таълим муассасаларида соғлом
овқатлантиришни ташкил этишнинг мақсад ва
вазифалари**

3. Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг мақсади тарбияланувчиларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш, ошхоналарда сифатли таомлар тайёрлаш, таомларни истеъмол қилиш учун гигиеник талабларга мувофиқ шароитлар яратиш ҳисобланади.

4. Қуйидагилар мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тарбияланувчиларнинг белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда овқатланишни ташкил этиш;


тарбияланувчиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш;

тарбияланувчиларда овқатлантириш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

тарбияланувчилар ўртасида соғлом овқатлантириш кўникмаларини шакллантириш;

таомларни тайёрлашда, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ҳамда сақлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилиш.



3-боб. Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар

5. Қўйидагилар мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни аутсорсинг корхоналари жалб қилинмаган ҳолларда бевосита мактабгача таълим муассасалари томонидан ташкил этиш;

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш;

ошпазлар томонидан таом тайёрлаш жараёнида технология ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши;

таом тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли қабул қилиш, сақлаш учун зарур шароитлар яратиш;

таомномага мувофиқ маҳсулотлар тўлиқ етказилиши ва сарфланиши-ни таъминлаш чораларини кўриш;

ошпазларнинг ҳар уч йилда бир марта малака ошириши, тиббий кўриқдан ўтган ҳолда ишга қўйилиши.

Тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш учун тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирлари ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари масъул ҳисобланади.

4-боб. Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш

6. Ошхоналарда соғлом овқатлантириш тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ равишда тузилган, ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган таомнома асосида ташкил этилади. Бунда:


туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан ишлаб чиқилган намунавий таомномалар асосида ўн кунлик тахминий таомномалар олдиндан тузилади;

таомнома жорий кундаги тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб, кейинги иш куни учун соат 16.00 га қадар ҳамшира томонидан мактабгача таълим муассасаси ошпази ва омбор мудирлари ёки омборчи иштирокида тузилади;

таомнома асосида кейинги кун учун озиқ-овқат маҳсулотлари омбор мудирлари ёки омборчи томонидан ҳамшира ёки навбатчи тарбиячи иштирокида иш куни якунлангунга қадар ошхонага берилади;

таомнома бир кун олдинги тарбияланувчилар сонига мутаносиб равишда ҳар бир тарбияланувчи учун бир кунлик ўртача сарфланадиган озиқ-овқат

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



маҳсулотлари миқдори ва уларнинг қиймати чиқарилган ҳолда икки нусхада тузилади;

жорий кунда эрталаб соат 9.00 га қадар мактабгача таълим муассасасига келган тарбияланувчилар сони таомномада назарда тутилган тарбияланувчилар сонидан 10 нафар ва ундан кўп бўлса, гуруҳ тарбиячиларининг тарбияланувчилар сони тўғрисидаги билдиришномалари асосида таомномага ўзгартириш киритилиши тўғрисида далолатнома тузилади ва санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларида белгиланган тартибда маҳсулотлар оморга қайтарилади ёки қўшимча ажратилади;

таомнома санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида тўғри тузилганлиги ҳамшира ва мактабгача таълим муассасаси раҳбари томонидан имзо билан тасдиқланади;

таомноманинг битта нусхаси ҳамширага, иккинчи нусхаси ошхонага фойдаланиш учун берилади;

кунлик тайёрланадиган таом турлари ва бир тарбияланувчи учун таом миқдори махсус овқат тарқатиш жойига ёзиб қўйилади;

тарбияланувчилар учун таомлар овқатланиш технологияси қоидаларига амал қилган ҳолда тайёрланади, сақланади ва тарқатилади.

7. Кунлик таомномалар тузишда бир нафар тарбияланувчига сарфланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кунлик миқдори санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари асосида белгиланиши талаб этилади.

8. Мактабгача таълим муассасасидаги қисқа муддатли гуруҳлар учун таомнома алоҳида тузилади ва муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

9. Мактабгача таълим муассасаси учун ҳар ўн кунлик таомномалар бланкалари ип ўтказиб боғланган ҳолда олдиндан рақамланади, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудири ва бош ҳисобчи томонидан рақамланиб имзоланади, муҳрланади ва алоҳида дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

10. Мактабгача таълим муассасасида озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар сифатини ўрганиш бўйича бракераж комиссияси (кейинги ўринларда бракераж комиссияси деб аталади) ташкил этилади.


Мактабгача таълим муассасаси мудирининг бракераж комиссиясини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йил учун алоҳида қабул қилинади.

11. Мактабгача таълим муассасаси ҳамшираси бракераж комиссиясининг раиси бўлиб, унинг таркибига тарбиячи, ошпаз, муассаса касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда ота-оналар деб аталади) вакиллари аъзо сифатида киритилади.

12. Бракераж комиссияси ошхонага қабул қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар сифатини доимий равишда ўрганиб боради. Ўрганиш натижалари алоҳида юритиладиган, ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги бракераж дафтарида қайд этилади.

13. Бракераж дафтари озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, мазаси,

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



кунлик синама олинганлиги, овқатни тарқатишга рухсат берилганлиги ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда тўлдирилиб, ҳар куни ҳамширанинг имзоси билан тасдиқланади.

Бракераж комиссияси аъзолари томонидан бракераж дафтари юритилишининг доимий мониторинги олиб борилади.

14. Бракераж дафтари тикилган, рақамланган, муассаса раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

15. Бракераж дафтарининг биринчи саҳифасида бракераж комиссиясини тасдиқлаш ҳақидаги буйруқдан кўчирма бўлиши, дафтар рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва мактабгача таълим бўлими мудир томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим.

16. Мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни таъминлаш мақсадида ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги сифати тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтари муассаса ҳамшираси томонидан юритилади.

Сифати тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтарида маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилган вақти, мактабгача таълим муассасасига қабул қилинган вақти ва охири ишлатиш муддати ҳақидаги маълумотлар қайд этиб борилади.

Дафтар рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва мактабгача таълим муассасаси мудир томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим. Дафтарнинг биринчи саҳифасида тез бузилувчи маҳсулотларнинг сақланиш муддатлари ҳақидаги жадвал кўрсатилган бўлиши лозим.

17. Сифати тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтарининг юритилиши учун мактабгача таълим муассасаси мудир ва ҳамшира бевосита масъул ҳисобланади.

18. Ошхонада тайёр бўлган таом тарбияланувчиларга тарқатилишидан 15 — 20 дақиқа олдин ундан мактабгача таълим муассасаси ҳамшираси томонидан кунлик синама олинади.


19. Олинган синама тоза идишга солиниб, идишнинг устки қисмига таомнинг номи, тайёрланган ва синама олинган вақти ёзилган ёрлик ёпиштирилган ҳолда, совутгич ёки бошқа синама сифатига таъсир қилмайдиган шароитда тўлиқ бир сутка сақланади.

20. Мактабгача таълим муассасасига таъминотчи корхоналар томонидан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бракераж комиссияси томонидан кўриб чиқилганидан кейин муассасанинг омбор мудир томонидан омборхонага қабул қилиб олинади.

21. Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишда бракераж комиссияси аъзолари томонидан маҳсулотларнинг сифатини кафолатловчи ҳужжатлар (сертификат, маркировка) мавжудлиги, шартномада белгиланган нархи ва маҳсулотнинг тавсифига мувофиқлиги кўриб чиқилади.

22. Қабул қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари санитария қоидалари,

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда сақланади ва сарфланади.

23. Омборхонага келтирилган ва кунлик таомнома асосида ошхонага берилган озиқ-овқат маҳсулотлари ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклдаги омборхонада сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтарига ёзиб қўйилади.

Дафтарнинг юритилиши учун омбор мудири бевосита масъул ҳисобланади.

24. Омборхонада сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтарида омборхонага келтирилган ва ошхонага топширилган озиқ-овқат маҳсулотлари номма-ном ёзиб борилади. Бунда ҳар бир озиқ-овқат маҳсулоти учун алоҳида варақ юритилади.

Омборхонада сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қолдиғи ҳар куни белгилаб борилади.

25. Омборхонада сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва мактабгача таълим бўлими мудири томонидан, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим.


26. Мактабгача таълим муассасаларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига нисбатан тарбияланувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ойма-ой таҳлил қилиб борилади ҳамда чораклик таҳлил натижалари чорак якунланганидан кейинги ойнинг 5-кунига қадар мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларига топширилади.

Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан муассасаларда тарбияланувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси тўғрисидаги умумлаштирилган ҳисоботлар чорак якунланганидан кейинги ойнинг 10-кунига қадар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси томонидан мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг озиқ-овқат билан таъминланиш даражаси тўғрисидаги умумлаштирилган ҳисоботлар чорак якунланганидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси тўғрисидаги умумлаштирилган ҳисоботлар чорак якунланганидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар ўрганиб чиқилади, ўрганиш натижасида аниқланган камчилик ва муаммоларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бартараф этиш чоралари кўрилади.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



27. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси тўғрисидаги ҳисоботлар ушбу Низомга 5-иловада* келтирилган схемага мувофиқ тарзда юритилади.

5-боб. Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни кунлик овқатлантириш нархларини белгилаш

28. Тарбияланувчининг мактабгача таълим муассасасида бўлган даври учун бадал тўловлари белгиланган тартибда тарбияланувчиларни овқатлантиришни ташкил этишга йўналтирилади. Бунда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тўлиқ бажариш учун ота-оналар тўловлари билан қопланмаган қисми Ўзбекистон Республикаси бюджети маблағлари ҳисобига қопланади.

29. Мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчиларни овқатлантириш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ёки муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ташкил этилган тақдирда, тарбияланувчилар учун белгиланган бир кунлик овқатланиш рациона санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ белгиланган нормалардан ошмаслиги лозим.

6-боб. Мактабгача таълим муассасалари ходимларининг овқатланишини ташкил этиш

30. Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг ушбу муассасада овқатланиши мактабгача таълим муассасаси мудирининг билан ходим ўртасида тузилган шартномага мувофиқ тўлов асосида ташкил этилади.

Фаолияти болалар тарбияси билан узлуксиз равишда боғлиқ бўлган ходимлар (мудира, ҳамшира, тарбиячи ва ёрдамчи тарбиячи) шартнома асосида овқатланади.

31. Мактабгача таълим муассасаси ходимлари алоҳида таомнома бўйича овқатланадилар.


32. Таомномада овқатланган ходимлар сони, улар учун сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ва қиймати кўрсатилади.

Жорий ойда ходимларнинг мактабгача таълим муассасаси ҳисобига овқатланиши учун бир ойлик тўлов миқдори олдинги ойда тузилган таомнома бўйича ходимларга сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларини овқатланган ходимлар ўртача сонига бўлиш орқали аниқланади.

33. Ходимларнинг мактабгача таълим муассасасида овқатланганлиги учун тўловлар жорий ойдан 10-кундан кечиктирмай банкларга тўланади ҳамда тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция) нусхаси мактабгача таълим муассасасига тақдим этилади.

Ходимларнинг мактабгача таълим муассасасида овқатланганлиги учун

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



тўланган маблағлар туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари ҳисоб-варақларида улардан кейинчалик фойдаланиш учун ҳисобга олинади.

34. Ходимларнинг мактабгача таълим муассасасида овқатланганлиги учун тўловлар миқдорини ҳисоблашда ходимнинг фақат ишда бўлган кунлари эътиборга олинади.

Ходимнинг ишда бўлмаган кунлари учун ундирилган тўловлар кейинги ой учун тўлов амалга оширилади ҳисобга олинади.

35. Ходимларнинг мактабгача таълим муассасасида овқатланганлиги учун амалга оширилган тўловлари тўлиқ озиқ-овқат харажатларига йўналтирилади.

7-боб. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини соғлом овқатлантиришни ташкил этишда иштирок этадиган ходимларнинг вазифалари

36. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимининг мудир:

тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини соғлом овқатлантиришни ташкил этишга ҳамда уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ишларига умумий раҳбарлик қилади;

тарбияланувчининг муассасада бўлган даври учун муассаса ҳисоб рақамига тушган бадал тўловлари ва давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш юзасидан шартномалар тузади;

харид қилиш учун тузилган шартномаларда озиқ-овқат маҳсулотлари мувофиқлик ва гигиеник сертификатлар асосида тасарруфидаги муассасага сифатли етказиб берилишини таъминлайди;

бир нафар тарбияланувчига кунлик овқатланиш нархларини белгилашни, таомнома бланкаларини рақамлаш, муҳрлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар шартлари бажарилишини таъминлайди;

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тўлиқ таъминлаган ҳолда амалга оширилишига шахсан масъулдир.

Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.


37. Мактабгача таълим муассасасининг мудир:

тарбияланувчиларни соғлом ва тўлақонли овқатлантиришни ташкил этишга жавобгар ҳисобланади;

мактабгача таълим муассасасига етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари сифат тавсифига мос равишда қабул қилинишини таъминлайди;

тарбияланувчиларнинг муассасада бўлган даври учун бадал тўловлари ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб борилишини таъминлайди;

ота-оналар йиғилишларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш учун тайёрланаётган таомларнинг сифати, санитария қоидалари, нормала-



ри ва гигиена нормативларида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси тўғрисида ҳар чоракда бир марта ҳисобот бериб боради;

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш даражасини баҳолаш мақсадида ҳар ярим йилда камида бир марта ота-оналар ўртасида сўровномалар ўтказади ва унинг натижаларини муҳокама қилиб боради;

мактабгача таълим муассасасидаги бракераж комиссиясининг таркибини тасдиқлайди, зарур ҳолларда таркибга ўзгартиришлар киритади, бракераж комиссиясининг ишини мувофиқлаштиради.

38. Мактабгача таълим муассасаси ҳамшираси:

таомномаларнинг хилма-хиллиги ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига асосан тузилиши, ошхона ва омборхонанинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилган ҳолда фаолият юритишини назорат қилади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини, сақланиш қоидаларига амал қилинишини ҳамда истеъмолга берилишини, тайёрланган таомлар сифатини, маҳсулотларнинг таомларни тайёрлашда тўғри тақсимланишини, таом вазнини ва сифатини, озиқ-овқат маҳсулотларининг белгиланган меъёрлар асосида сарфланишини таъминлайди;

тарбияланувчиларни овқатлантиришни мактабгача таълим муассасаси томонидан тасдиқланган кун тартибига асосан ташкил этади;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича таъминланиши юзасидан ҳар ўн кунлик ҳисоботини юритади;

йиғма ҳисоботлардан келиб чиқиб, таомлар рационига киритилган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибий қисми ва энергетик қийматини доимий равишда таҳлил қилиб боради;

тайёр таомлардан синама олиш, уларнинг органолептик (ҳид билиш, таъм билиш, кўриш) усул асосида баҳоланишини ва журналга қайд этишни ҳамда таомлардан олинган синамалар талаб этилган даражада сақланишини таъминлайди;

омбор мудури ва ошпаз билан ҳамкорликда таомнома тузади;

ҳар уч йилда бир марта белгиланган тартибда мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича малака оширади.


39. Мактабгача таълим муассасаси ошпази энг камида 3-разрядли ошпаз даражасига оид махсус касбий маълумотга эга бўлиши зарур ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

таомларни мактабгача таълим муассасасидаги таомнома асосида тайёрлаш технологиясига амал қилган ҳолда тайёрлайди;

тарбияланувчиларнинг ёшига мувофиқ тарзда таомларни порцияларга бўлади ва таркатади;

кунлик таомномани тузишда иштирок этади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг белгиланган тартибда сақланиши ва таомнома асосида тўғри сарфланишини таъминлайди;



таомларни тайёрлашда маҳсулотларга дастлабки ва иссиқлик ишлов беришни амалга оширади;

турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг тавсифи ва биологик қийматини ўрганади ҳамда органолептик усул орқали уларнинг сифат кўрсаткичларини фарқлайди;

иссиқлик ишлов берувчи, вазн ўлчовчи, музлатгич ва бошқа жиҳозлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилади;

хар уч йилда бир марта мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича малака оширади.

40. Мактабгача таълим муассасасининг озиқ-овқат маҳсулотлари омбор мудури (омборчи) энг камида ўрта махсус (бухгалтер, товаршунослик ёки озиқ-овқат технологияси мутахассислиги бўйича) маълумотга эга бўлиши зарур ва қўйидаги вазифаларни бажаради:

озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишни ташкил этади, омборхонага жойлаштиради ва уларни сақлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилади;

кунлик таомномани тузишда иштирок этади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг омборхонадаги қолдиқ миқдоридан келиб чиқиб, етказиб берувчиларга буюртмаларни шакллантиришда иштирок этади;

кунлик таомномада белгиланган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ошхонага беради;

етказиб берувчилар томонидан топширилган озиқ-овқат маҳсулотларининг юкхатига мослигини текширади, уларнинг вазнини ўлчайди ва сифатини кўздан кечиради;

омборхонадаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисобини юритади, маҳсулотларни сифат тавсифига, фойдаланиш муддатларига амал қилган ҳолда сақлайди;


омборхонада сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафттарини юритади;

хар уч йилда бир марта мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича малака оширади.

41. Мактабгача таълим муассасасида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга масъул ходимларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ташкил этилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастури асосида амалга оширилади.

8-боб. Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш мониторингини олиб бориш

42. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари



мактабгача таълим муассасасида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш мониторингини олиб боришда:

мактабгача таълим муассасасида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан доимий мониторинг олиб боради, жумладан, тарбияланувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилиб боради;

тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ошхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар киритади;

мониторинг натижаларини ҳар чоракда ҳудудий туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги йиғилишларда прокуратура, молия, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим бўлимлари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиб боради;

ошхоналарда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлмаган ҳолатларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўради.

43. Ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан мактабгача таълим муассасалари ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларнинг бажарилишига риоя қилиниши юзасидан назорат ишлари амалга оширилади.

9-боб. Яқунловчи қоида

44. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарорига
2-ИЛОВА

Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Давлат мактабгача таълим муассасаларида (кейинги ўринларда муассаса деб аталади) аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шарт-шароитлар яратилган ҳолда амалга оширилади.



3. Ушбу Низом талаблари ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча турдаги давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатувчи маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) тааллуқли ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш устувор ҳисобланади.

2-боб. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари

4. Муассасада аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

тарбияланувчиларни тўлақонли соғлом овқатлантириш, соғлигини мустаҳкамлаш ва таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни таъминлаш;

сифатли таомлар тайёрлаш орқали тарбияланувчиларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш;

таомларни истеъмол қилиш учун гигиеник талабларга мувофиқ шароитлар яратиш;

тарбияланувчиларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ соғлом овқатлантириш;

муассасалар раҳбарларини таълимга оид бўлмаган вазифалардан озод қилиш ва таълим самарадорлигини ошириш.

5. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда, уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озик-овқат маҳсулотлари ва таомларни тарбияланувчиларнинг соғлом ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарур моддалар билан таъминлаш;

озик-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ҳамда сифатини кафолатлаш;


тарбияланувчиларда овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

тарбияланувчилар ўртасида тўғри овқатланиш кўникмаларини шакллантириш;

озик-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда, ташишда санитария нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилиш.

3-боб. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар

6. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш Ўзбекистон Республикаси



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган озик-овқат маҳсулотлари асосида амалга оширилади.

7. Тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида аутсорсер томонидан тузилган, ҳудудий давлат санитария-эпидемиология маркази ва мактабгача таълим бўлимини хабардор қилган ҳолда бир ойлик таомномалар асосида ташкил қилинади.

8. Аутсорсер харид қилинаётган озик-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риоя қилинишига, ошпазларнинг ҳар уч йилда бир марта малака оширишига, тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилишига шахсан масъул ҳисобланади.

9. Муассаса ошпазларининг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастури асосида ташкил этилади ҳамда аутсорсер томонидан молиялаштирилади.

4-боб. Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш

10. Муассасада аутсорсинг усулида овқатлантириш «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таркиби тасдиқланадиган Танлов комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан ўтказиладиган танлов асосида ташкил этилади.

11. Комиссия таркиби ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ тарзда тузилади.



Вазирликлар ва идоралардан комиссия таркибига киритиладиган мутахассислар ва улар тўғрисидаги маълумотлар (Ф.И.О., лавозими, телефон рақами, электрон манзиллари) ҳар йили Мактабгача таълим вазирлигининг мурожаатига асосан 5 кун муддатда ажратилиши таъминланади.

12. Аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича таклифлар туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий мактабгача таълим бўлими деб аталади) томонидан ҳар чоракда бир маротаба (кейинги чорак биринчи ойининг 15-кунига қадар) тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасига (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) тақдим этилади.

13. удудий бошқармалар тушган таклифларни умумлаштириб (кейинги чорак биринчи ойининг 25-кунига қадар) Комиссияга тақдим этади.

14. Муассасаларда тарбияланувчиларни аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Мактабгача таълим вазирлиги томонидан (кейинги чорак иккинчи ойининг 25-кунига қадар) ошкоралик, маблағларнинг иктисодий самарали сарфланиши тамойиллари асосида ўтказилади.

Танлов ўтказиш бўйича эълонлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтнинг махсус бўлимига жойлаштирилади.

15. Аутсорсерлар учун қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ва вазирликнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтнинг махсус бўлимига жойлаштирилади.

Аутсорсерларга муассасанинг ҳудудий жойлашуви, ихтисослашуви ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб қўшимча техник талаблар қўйилиши мумкин.

16. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими (кейинги чоракнинг учинчи ойининг 5-кунига қадар) танловда волиб чиққан аутсорсер билан муассасаларда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматини кўрсатиш бўйича тегишли шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва вазирликнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтнинг махсус бўлимига жойлаштирилган намунавий шакл асосида тузади.

17. Аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танловни ўтказиш тартиби ушбу Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

18. Комиссия аутсорсер фаолияти юзасидан алоҳида мониторинг олиб боради. Шунингдек, уларнинг фаолияти натижаларига кўра, Аутсорсерни «инсофли ижрочи» ёки «инсофсиз ижрочи» рўйхатига киритиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Аутсорсернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва мактабгача таълим муассасасига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;


кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

муассасада соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун 20 фоизгача устама ҳақини олиш;

бошқа ҳуқуқлари ҳам бўлиши мумкин.

20. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



муассасалар ошхоналарида ўз фаолиятини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга ошириш;

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини муассаса ошхонасининг ўзида тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини танлов комиссиясига тақдим этиш;

танловда қатнашиш учун ариза бериш кунидан камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солиқ қарздорлиги, тўловлар, бошқа мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг йўқлиги тўғрисида ёзма маълумотларни тақдим қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланган техник вазифалар асосида аутсорсинг усулида муассасада соғлом овқатлантиришни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдимотини ўтказиш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар малака разрядлари) билан таъминлаш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилишини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг мавжудлигини таъминлаш;

битта тарбияланувчи учун йил давомида сарфланадиган маблағ миқдорини кўрсатиш;

таом тайёрлаш учун сарфланган харажатларни (ошхона ва ошхона жиҳозларини таъмирлаш, ходимлар иш ҳақи, инвентарлар, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантириш ва ювиш воситалари, олинадиган соф фойда) қоплаш учун устама миқдорларини кўрсатиш (фоизда);

умумий овқатланишни ташкил қилиш соҳасидаги иш тажрибаси ҳамда бўш айланма маблағлари мавжудлиги;


Аутсорсерларга техник вазифалардан, муассасанинг ҳудудий жойлашуви ва ихтисослашувидан келиб чиқиб бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

6-боб. Аутсорсер фаолиятини ташкил этиш

21. Комиссия қарори асосида туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари билан аутсорсер ўртасидаги шартнома бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга тузилади.

Бунда бир йиллик муддат барча аутсорсерларга, уч йиллик муддат эса муассаса ошхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун замонавий жиҳозлар билан тўлдириш мақсадида инвестиция киритиш шarti билан мажбурият олган аутсорсерларга нисбатан қўлланилади.

22. Аутсорсер томонидан муассасаларда соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича узоқ муддатга режалаштирилган истикболли лойиҳалар тақдим қилинганда, Комиссиянинг қарорига асосан туман (шаҳар) мактаб-



гача таълим бўлимлари билан аутсорсер ўртасида беш йилгача муддатга шартномалар тузилиши мумкин.

23. Аутсорсерларга муассасаларнинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўлов ноль ставка бўйича белгиланади ҳамда овқатлантиришни ташкил этиш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар қиймати мактабгача таълим муассасасига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида қопланади.

24. Аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этиладиган муассасаларда болаларни овқатлантиришни молиялаштириш ота-оналар тўлов пуллари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ҳомийлик маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Бунда аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этилган муассасадаги мавжуд ошпаз, ошхона ишчилари, омборчи штат бирликлари белгиланган тартибда қисқартирилади.

25. Аутсорсер томонидан тайёрлаб берилётган таомлар сифати, вазни, таркибининг таомномага мувофиқлиги муассаса мудирини, ҳамшира, ота-оналар вакиллари билан иборат Бракераж комиссияси томонидан назорат қилинади ва назорат якунлари муассасанинг тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича юритилган ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги бракераж дафтарида ҳар куни қайд қилиб борилади.

Бракераж комиссияси аутсорсер томонидан тайёрлаб берилётган таомлар сифати, вазни, таркибининг таомномага номувофиқлигини аниқлаганда, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимига билдирги киритади.

26. Билдирги асосида туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича Танлов комиссияси билан келишган ҳолда, ишчи гуруҳ ташкил қилади ва аутсорсер фаолиятини ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш натижаларини Комиссияга тақдим этади.


27. Аутсорсер томонидан санитария қоидалари ва меъёрлари бажарилиши ҳолатининг мониторингини олиб бориш ҳамда кунлик синамалар олиш муассаса тиббиёт ходими зиммасига юкланади.

28. Тарбияланувчиларни овқатлантириш гуруҳларда ташкил этилганда, тайёр таомлар таомномада белгиланган миқдорларда ва санитария-гигиена талабларига мос равишда бўлишини таъминлашга муассаса раҳбари масъул ҳисобланади.

29. Аутсорсер томонидан соғлом овқатлантиришни ташкил этишда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши, ошхона ходимларининг санитария-гигиена тадбирлари бажарилишини назорат қилиш туман (шаҳар) давлат санитария-гигиена назорати маркази томонидан амалга оширилади.

30. Таомнома режаси бир кун олдинги тарбияланувчилар сонига мутаносиб равишда, ҳар бир тарбияланувчи учун бир кунлик ўртача сарфлана-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



диган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва уларнинг қиймати чиқарилган ҳолда аутсорсер томонидан бир кун олдин соат 16:00 гача тузилади.

31. Муассаса раҳбари томонидан жорий кундаги тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб, эрталаб соат 9:00 га қадар тасдиқланган буюртмада кўрсатилган болалар сонига кўра асосий таомнома аутсорсер томонидан ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклда уч нусхада тузилади.

Аутсорсер ҳар куни асосий таомноманинг бир нусхасини муассаса раҳбарига тақдим этади ва бир нусхасини туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимига ҳар ўн кунда ҳисобот билан топширади.

32. Таомномада тайёр таомлар вазни, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдорлари кўрсатилади.

33. Муассасада тарбияланувчиларнинг хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шаклдаги сифати тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтари аутсорсер томонидан юритилади.

34. Ошхона ва ошхона жиҳозларини таъмирлаш, ходимлар иш ҳақи, ошхона жиҳозлари, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш ишлари аутсорсер томонидан амалга оширилади.

35. Аутсорсер ҳар ўн кунда тасдиқланган таомномалар нусхалари ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-фактура ҳужжатларини, муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган буюртмани туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими марказлаштирилган бухгалтериясига тақдим этади.


Бунда аутсорсер барча харажатларни (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва бошқаларни) ўз ичига оладиган 20 фоизгача устама ҳақ ҳисобга олинган ҳолда, амалдаги ўртача бозор нархлари бўйича бир овқатланувчига тегишли контингент учун овқатланишнинг тасдиқланган нормасидан келиб чиқади.

Амалдаги ўртача бозор нархлари ҳар ойда туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан аниқланиб, ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган нархларни таҳлил қилиб, ҳокимликнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштиради ҳамда тегишли ҳудудий мактабгача таълим бошқармасига тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

36. Ҳисоботлар асосида туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари аутсорсерга кўрсатган хизматлари бўйича тегишли маблағларни жорий ойнинг 25-кунига қадар ўтказиб беришни таъминлайди. Бунда жорий ойнинг қолган кунлари учун маблағлар кейинги ой кунлари учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказиб берилади.

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



37. Муассаса ходимларининг ушбу муассасада овқатланишини ташкил этиш аутсорсер билан ходим ўртасида тузилган шартномага мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади.

Фаолияти болалар тарбияси билан узлуксиз равишда боғлиқ бўлган ходимлар (мудира, ҳамшира, тарбиячи ва ёрдамчи тарбиячи) шартнома асосида овқатланади.

38. Муассаса ходимларини овқатлантириш алоҳида таомнома асосида ташкил қилинади.

39. Овқатлантириш нархлари овқатланган ходимлар сони, улар учун сарфланган таомлар миқдори ва қиймати орқали аниқланади ва ҳар бир ходимга тўлов пули белгиланади.

40. Ходимларнинг муассасада овқатланганлиги учун тўловлар ходимлар томонидан жорий ойнинг 25-кунидан кечиктирмай аутсорсерга тўлаб берилади.

41. Ходимларнинг муассасада овқатланганлиги учун тўловлар миқдорини ҳисоблашда ходимнинг фақат ишда бўлган кунлари эътиборга олинади.

Ходимнинг ишда бўлмаган кунлари учун ундирилган тўловлар кейинги ой учун тўлов амалга оширилаётганида ҳисобга олинади.

7-боб. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

42. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда Комиссияга билдирги кириштиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш.

Бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.


43. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида мактабгача таълим муассасасига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;


кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш.

Бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.



8-боб. Яқунловчи қоида

44. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

532 Тайёрлаш-қолиплаш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2010-2

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 27 августдаги 54-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2010, 2009 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 40-сон, 437-модда) билан тасдиқланган Тайёрлаш-қолиплаш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.


2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 июль,
27/1-2019-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 июлда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг
2019 йил 2 июлдаги 27/1-2019-сон буйруғига
ИЛОВА

Тайёрлаш-қолиплаш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда» деган сўзлар (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 441-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.


Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 35-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Ташкилотларда ходимларнинг соғлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»

5. 127 ва 401-бандлардаги «Саноатгеоконттехназорат» Давлат инспекцияси» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

533 Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966-2

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 30 апрелдаги 18/Б-1-сон буйруғи (рўйхат рақами 1966, 2009 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 279-модда) билан тасдиқланган Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.


2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 июль,
27/2-2019-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 июлда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг
2019 йил 2 июлдаги 27/2-2019-сон буйруғига
ИЛОВА

Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда» деган сўзлар (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 441-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

3. 11-банддан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. 99-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

534 **Автомобил транспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050-2

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 июлда эълон қилинган.



1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 13 октябрдаги 107-сон буйруғи (рўйхат рақами 2050, 2009 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 50-51-сон, 545-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-банди иккинчи хатбошисидаги «Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларига» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 июль,
184-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ


535 Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3077-1

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сон «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 2018-65-сон қарори (рўйхат рақами 3077, 2018 йил 11 ок-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 июлда эълон қилинган.



тябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 41-сон, 821-модда) билан тасдиқланган Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 июль,
2019-49-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил
16 июлдаги 2019-49-сон қарорига
ИЛОВА

Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимаги «қарорига мувофиқ» деган сўзлар «қарорига мувофиқ жисмоний шахслар ўртасида тузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-бандда:

биринчи хатбошидан «(ишончли бошқарувчи)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

«в» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) ижарага берувчининг шахсини ёки унинг вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.»

3. 6-банддан «(ишончли бошқарувчи)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ижарага берувчи жисмоний шахснинг ёки юридик шахс раҳбарининг» деган сўзлар «ижарага берувчининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



6. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ижарага берувчи ёки унинг вакилининг хоҳишига кўра кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга қўйиш ижарага берувчининг доимий яшаш манзили ёки кўчмас мулк жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига шахсан қоғоз шаклида тақдим этилиши мумкин.»

7. 11-банднинг иккинчи хатбошисидан ва 17-банднинг иккинчи хатбошисидан «(ишончли бошқарувчисига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Кўчмас мулк ижара шартномаси давлат солиқ хизмати органида



ҳисобга қўйилгандан сўнг, ўша вақтнинг ўзида жорий йил учун ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномаси ижарага берувчининг шахсий кабинетига юборилади ёки ижарага берувчига ёхуд унинг вакилига тақдим этилади.»

9. 14-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар «Тарафларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 16-банддан «(ишончли бошқарувчиси)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 3, 4, 6 ва 7-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 — 4-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Кўчмас мулк ижара шартномасини мажбурий ҳисобга қўйиш ҳақида СЎРОВНОМА

1. Ижарага берувчи тўғрисида маълумот:


Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Ижарага берувчининг идентификация рақами (СТИР)	
Яшаш жойи	
Телефон рақами	
Электрон почта манзили	

2. Ижарага олувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Яшаш жойи	
Телефон рақами	

3. Ижарага берилган кўчмас мулк тўғрисида маълумот:

Кўчмас мулкнинг тури	
Жойлашган манзили	
Ижарага берилган майдон	



Ижарага берилган сана	
Ижарага берилган муддат	
Бир ойлик ижара ҳақи тўлови (сўмда)	
Ижара ҳақининг умумий сўммаси (сўмда)	

Ижарага
 берувчи (вакил): _____
 (имзо) _____ Ф.И.О.
 _____ (сана)».

Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат
 солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга
 қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
 киритилаётган ўзгартиришларга
 2-ИЛОВА

«Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат
 солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга
 қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
 4-ИЛОВА

**Кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга
 қўйилганлиги ҳақида
 БИЛДИРИШНОМА**



Ижара шартномасининг реестр бўйича тартиб рақами: _____
 Ижарага берувчининг Ф.И.О.: _____

 Ижарага берувчининг яшаш жойи: _____

 Ижарага берувчининг идентификация
 рақами (СТИР): _____
 Ижарага олувчининг Ф.И.О.: _____



Ижара шартномаси ҳисобга олинган сана: 20__ йил «___» _____
 Ижара шартномаси амал қилиш муддати: 20__ йил «___» _____
 Ижарага берилган кўчмас мулкнинг жойлашган манзили: _____



Мазкур ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш учун QR-кодни* махсус мобил илова орқали текшириб кўришингиз ёки ушбу ҳаволага (кўчмас мулк ижара шартномаси электрон шаклига ҳавола) кириб кўришингиз мумкин.

* QR-коди текширилганда кўчмас мулк ижара шартномаси электрон шаклининг XML форматига ҳавола шаклланади.».

Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
3-ИЛОВА

«Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Кўчмас мулк ижара шартномасини бекор қилиш ҳақидаги келишувни ҳисобга қўйиш тўғрисида СЎРОВНОМА

1. Ижарага берувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Яшаш жойи	
Телефон рақами	
Электрон почта манзили	

2. Ижарага олувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Яшаш жойи	
Телефон рақами	


3. Ижарага берилган кўчмас мулк тўғрисида маълумот:

Кўчмас мулкнинг тури	
Жойлашган манзили	
Ижарага берилган майдон	
Ижарага берилган сана	
Ижарага берилган муддат	
Бир ойлик ижара ҳақи тўлови (сўмда)	
Ижара ҳақининг умумий суммаси (сўмда)	

Ижарага берувчи (вакил)

(имзо)

».



Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
4-ИЛОВА

«Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Кўчмас мулк ижара шартномасини бекор қилиш
ҳақидаги келишувни ҳисобга қўйилганлиги ҳақида
БИЛДИРИШНОМА**

Ижара шартномасининг реестр бўйича тартиб рақами: _____

Ижарага берувчининг Ф.И.О.: _____

Ижарага берувчининг яшаш жойи: _____

Ижарага берувчининг идентификация рақами
(СТИР): _____

Ижарага олувчининг Ф.И.О.: _____



Ижара шартномаси ҳисобга олинган сана: 20__ йил «___» _____

Ижара шартномаси бекор қилинганлиги
ҳақидаги келишувни ҳисобга олинган сана: 20__ йил «___» _____

Ижарага берилган кўчмас мулкнинг жойлашган манзили: _____

Мазкур ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш учун QR-кодни* мах-сус мобил илова орқали текшириб кўришингиз ёки ушбу ҳаволага (кўчмас мулк ижара шартномасини бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувнинг электрон шаклига ҳавола) кириб кўришингиз мумкин.

** QR-коди текширилганда кўчмас мулк ижара шартномасини бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувнинг электрон шаклининг XML форматига ҳавола шаклланади.».*



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 20 июлдан 26 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 2 июлдаги 27/1-2019-сон «Тайёрлаш-қолиплаш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2010-2.

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 2 июлдаги 27/2-2019-сон «Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966-2.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 15 июлдаги 184-сон «Автомобил транспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 16 июлдаги 2019-49-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3077-1.

